O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 23 IYUN ◆ SHANBA ◆ № 72 (26.774)

КИТОБНИНГ ҲАЁТИЙ КУЧ-ҚУДРАТИ

Шундай китоблар бўладики, бир маротаба ўқилади ва унутилиб кетади. Шундай китоблар ҳам бўладики, уларга ҳар доим мурожаат этилади. Мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини сира ҳам иккиланмасдан ана шундай китоблар сирасига киритиш мумкин.

Асар 1997 йили ёзилган. У дунёнинг жуда кўп тилларига таржима этилиб, инглиз, немис, турк, араб, корейс, ҳинд ва жаҳоннинг бошқа халқлари тилларида чоп этилганининг ўзиёқ унинг қай даражада муваффақият қозонганидан далолат беради.

Асарнинг поляк тилидаги нашри тақдимоти 73-Саноат технологиялари ва сармоялар Познань кўргазмаси доирасида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди. Китоб Ўзбекистон — Польша бизнес-семинарида, кўргазманинг мамлакатимизга ажратилган павильонидаги ўзаро мулоқотлар чоғида, Ўзбекистон делегациясининг Польша расмий, ишбилармон доиралар ва илмий жамоатчилиги вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ҳамда музокараларида ҳам кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев ўз чиқишида Ўзбекистон Президенти асарининг поляк тилида нашр этилиши ва унинг Познандаги тақдимоти Ўзбекистон — Польша муносабатларининг муваффақият билан ривожланиб бораётганидан далолат беришини қайд этди.

У, жумладан, тўпланганлар эътиборини асарда бугунги дунё муаммолари батафсил ва чуқур таҳлил этилганига қаратди.

Польша Президенти А.Квасьневский тақдимот маросими иштирокчиларига мурожаат қилар экан, «Биз 73-Познань халқаро кўргазмасининг янги мингйилликдаги биринчи тадбирида Ўзбекистон Республикасини табриклашдан мамнунмиз. Мазкур кўргазмада мамлакатингизнинг иштирок этиши халқаро ҳамкорлик тараққиёти йўлидаги муҳим омилдир. Умидворманки, Ўзбекистон иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олади. Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Президент Ислом Каримовга ҳамда мамлакатингизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман», деди.

Тақдимот маросими иштирокчиси, Польша иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Тереза Малеска Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов асарининг поляк тилида нашр этилиши давлатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беришини таъкидлар экан, «мамлакатларимиз иқтисодиёт, илм-фан ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилишда улкан салоҳиятга эгалиги, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида Польша кўргазмасида иштирок этаётгани давлатларимиз ҳаётидаги муҳим воқеа» эканини қайд этди.

Асар тақдимоти доирасида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотлар чоғида польшалик бизнесменлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш заруллигини таъкидлашди, мамлакатимизда ўзбекистонлик шериклари билан аниқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишга тайёр эканини билдиришди.

■ **А. ҒУЛОМОВ,**
«Жаҳон» АА махсус мухбири



■ Абдулғани ЖУМА олган сурат

СИНДБОД САФАРГА ОТЛАНМОҚДА...

Маслакдош ҳамроҳлар борми?



Таҳририятимизга бир йигит эълон олиб келди. «Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг энг баланд тоғ чўққисига чиқиб, юртимизнинг байроғини қадаб тушмоқчиман. Маслакдош ҳамроҳларни излайман. Синдбод Мирёқуб ўғли».

— Ўзбекистонимизнинг энг баланд чўққиси қаерда экан? — сўрадик қизиқиб.

— Бундан икки йил олдин шоирларимиздан Азим Суюн ва Салим Ашурнинг Сурхондарё вилоятининг Ҳисор тоғларига қилган сафар таассуротларини газетада ўқиб қолган эдим. Улар Осмонталош ва Хўжаи пирях силсиласига кирувчи юксак номсиз чўққига узоқ тикилиб туришибдилар-да «бу чўққини кимлар забт этар экан-а?» деб армон билан орқаларига қайтибдилар. Ўшанда «мен бунга уриниб кўраман», деган фикр туғилган эди.

— Яхши. Бундай катта шижоатга бел боғлабсиз. Аммо бу борадаги тажрибаларингиз кандай?

— Кичиклигимданоқ отам мени шу йўналишда тарбиялаган. Нурота тоғларининг Оқтов ва Қоратоғ тизмаларини кезиб эсимни таниганман. Тожикистоннинг Панжакент ортидаги Зарафшон ва Фан тоғларининг сўқмоқларида ҳам бўлганман. Ҳозирда бўш вақт топилгудек бўлса, албатта, Чимён чўққиларига чиқиб келаман. Аммо вақт жуда кам. Мен Тошкент миллий рассомлик ва дизайн институтининг талабасиман.

— Саёҳатларингиздан бир шингил эшитсак.

— 1991 йилда, ўн бир ёшимда «Туркистон» газетасининг ташаббуси билан ташкил этилган «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» экспедициясида қатнашганман. Ҳисор тоғларининг Қалъаи Шерон дараси бағрида яширинган узунлиги 850 метр бўлган машҳур Амир Темур ғорига саралланган етти киши сафида ғорнинг энг тубидаги кўл ёқасигача етиб борганман.

—Маслакдош дўстларингиз борми?

— Ҳозирча отам ва укам Муҳаммад Дўст. Ўтган йили «Молодёж Узбекистана» ва «Туркистон» газеталарида «Маслакдошларни излайман» деган мурожаатим босилди. Афсуски, бирор хайрихоҳ топилмади.

— Сафарингизда кандай кишилар иштирок этиши мумкин? Йўл сарф-харажатлари масаласи-чи?

— Ичмайдиган, чекмайдиган, сўкмайдиган, жисмоний соғлом, довюрак, жасур тенгдош йигит-қизларни чорлайман. Сарф-харажатлар ҳар кимнинг ўз ҳамёнидан бўлади.

Ушбу ташаббуснинг ташкилотчиси — Синдбоднинг отаси, тажрибали альпинист ва журналист Мирёқуб Қобиловнинг шарҳи:

— Бундан уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси номидан дунёдаги энг баланд чўққи — Эверестга чиққан 15 нафар альпинистлар орасида маҳаллий миллатимизга мансуб кишилар деярли йўқлигини кўриб жуда афсусландим. Президентимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш, спортнинг барча соҳалари бўйича дунё спортчилари билан бемалол беллаша оладиган ёшларимизни тарбиялаш ҳақидаги ғамхўрликларини эшитиб руҳланардим. Синдбоднинг ушбу нияти мени қувонтирди. Экспедициямизга жаҳоннинг сара альпинистлари даражасидаги тажрибага эга бўлган кекса ўзбек альпинисти Икром ака Назаров мураббийлик қилмоқчи. У киши ҳаракат майдони йўналишидаги зарур дастурни тайёрлаб қўйибди. Гуруҳимизга Катта Чимён чўққисига чиқиб синов машқларидан муваффақиятли ўтган жисмоний бақувват, жасур йигит-қизларимиздан 10-15 нафар номзод танлаб олинади. Жаҳон альпинидаси мезонида ўлчайдиган бўлсак, Ўзбекистонимизнинг энг баланд чўққисига чиқиш унчалик мураккаб эмас. Агар ҳомийлик қилувчилар топилса нур устига нур бўларди.

Дарҳақиқат, Синдбод ва унинг маслакдошларининг мақсадлари улуғ. Юртимизнинг мустақиллик айёмини бундай ўзига хос кутиб олишга чоғланган бу йигитларнинг шижоатларига ҳавас қилса арзийди.

Умид қиламизки, юртимиз чўққиларини забт этишга отланган бу азаматларни қўллаб-қувватловчи кишилар, хайрихоҳлар топилади.

■ **Суҳбатдош:**
Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО

ВОБКЕНТЛИКЛАР МАРРАДА

Вобкент тумани ғаллакорлари Бухоро вилоятида биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича шартнома режасини бажардилар. 6672 гектар майдонда ғалла мўл бўлгани барчани қувонтирмоқда. Мавжуд майдоннинг 4092 гектаридан йиғиштириб олинган ҳосил эвазига режа бажарилиб, унумдорлик қарийб 38 центнерни ташкил этди.

Ўрим-йиғимда 10 та Америка ҳамда 17 та Россияда ишлаб чиқарилган комбайнлар кучидан самарали фойдаланилмоқда. Ғани Икромов, Насим Фатуллаев, Наврўз Ҳожиев, Шавкат Асадов сингари комбайнчилар ғайрати туфайли Рўзи Ҳусанов, Даврон Бобоқулов, Хайрулла Камолов, «Зарбдор», Ал Бухорий, Қаюм Муртазоев номли ширкат хўжаликларидаги ҳосил қисқа фурсатларда саранжомлаб олинди.

Туман ғаллакорлари режага қўшимча яна 1000 тонна дон сотиш мақсадида баракали ишламоқдалар.

Қабул пунктларига 125 минг тонна сара дон топширишни ният қилган бухороликлар эрта-индин бу маррани эгаллайдилар. Шу боис шартнома режасини бажараётган туманлар сафи кенгайиб бормоқда. Когонликлар ҳам ғалаба манзилига етдилар. Улар давлатга 9734 тонна дон етказиб бердилар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ХДП ХАБАРИ

ХИЛМА-ХИЛЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўз тақдирини ўз қўлига олган Ўзбекистонда бугунги кунда «демократия» сўзи бот-бот қулоққа чалинади. Давлат сиёсий тизимининг олий шакли деб эътироф этилган демократия дунёда ҳукм сураётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланишида анча илгарилаб кетган. Шу билан бирга муайян бир давлатда демократик тамойилларнинг қарор топиши унинг жаҳон саҳнасидаги нуфузи ўсишига олиб келади. Демократиянинг муҳим талабларидан бири фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлашдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошида ташкил этилган «Сиёсат» мунозара клубининг навбатдаги машғулотида ҳам жамиятда фикрлар хилма-хиллигига эришишнинг ислоҳотлар боришига таъсири катта эканлиги, бу айниқса, парламентчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши, сиёсий партиялар қарашларининг умумманфаат нуқтасида кесишуви йўл ва воситалари, қонуняратувчилик ишида турлича нуқтаи назарларнинг инъикоси каби долзарб масалалар атрофида сўз юритилди. Амалий машқ тарзида ўтган машғулот давомида парламент фаолияти, унинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш мурватлари, парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари фаоллигини ошириш йўллари хусусида жонли мулоқот бўлди. Иштирокчилар ўзига хос «фракция»ларга бўлинган ҳолда, «парламент» машқида ўз нуқтаи назарлари ҳимояси учун астойдил ҳаракат қилдилар.

■ **Шуҳрат ТЎПАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ОСОНЛИКДА ОБРЎ ЙЎҚ»

Газетанинг шу йил 26 апрель сонида чоп этилган «Осонликда обрў йўқ» сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлигининг 15 майдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Муҳокамада барча келтирилган далиллар тўғри эканлиги инобатга олинди.

Ҳақиқатан ҳам 2000 йилда тумандаги барча соҳаларда хато-камчиликларга йўл қўйилган. Бу хато-камчиликларга йўл қўйилишида фақат туман ҳокими айбдор эмас. Ҳоким ёнидаги барча раҳбарлар ҳам айбдордирлар.

Кадрларни жой-жойига қўйишда масъулиятсизлик қилинган ва кадрни нимага қодир эканлигини чуқур ўрганилмасдан мансабга қўйилган.

Қишлоқ хўжалигида тажрибаси етишмаган раҳбарлар экинлар ҳосилдорлиги пасайиб кетишига сабабчи бўлди ва албатта, туманда сув танқислиги сезилди.

Ижтимоий соҳадаги хато ва камчиликлар ҳам очиқчасига муҳокама қилинди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2001 йил 23 февралдаги қарорига асосан ойнинг ҳар охирги шанбаси «Таълим ва тиббиёт куни» деб эълон қилинган ва мактабларга ҳомий раҳбарлар бириктирилган.

Компьютер билан таъминлаш бўйича Иштихон тумани вилоят бўйича иккинчи ўринда. Бу далил Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва «Таълим тўғрисида»даги Қонун ижроси юзасидан чиқарган қарорида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 453-сонли, вилоят ҳокимининг 1997 йил 23 октябрдаги 184-14-сонли қарорларига асосан туман ҳокимининг 1997 йил 12 октябрдаги 407-Қ қарори қабул қилиниб, тумандаги мавжуд 40 та боғча босқичма-босқич 2002 йилгача давлат ҳокимияти органлари балансига 100 фоиз ўтказилади. Ҳозирда ушбу ишлар режа асосида олиб борилаяпти. 36 та боғча ўтган йили давлат балансига ўтказилган бўлса, бу йил 7 та, 2002 йилда 7 та, жами 14 та боғча давлат ҳокимияти балансига ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ижобий ишлар қилинаётганлиги сезилмоқда. Жумладан:

— туман марказий шифохонаси таркибида терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, эндокринологлардан иборат бригада тузилиб, ҚВПларда ҳомиладор аёллар ва туғилган чақалоқларга керакли тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

— ҚВПларда ҳовлима-ҳовли юриб беморларни аниқлаш, вақтида ёрдам бериш ва лозим бўлган пайтда касалхонага ётқизиш ҳамда даволаш чоралари кўрилаяпти.

— Экстрогенетал касалликлари борлар, туғруқ вақтида хавф-хатар бўлиши мумкин бўлган ҳомиладор аёлларни туғруқхонага 10-15 кун илгарироқ ётқизиш устида ишлар олиб борилмоқда.

— Аҳоли ўртасида ҳар бир киши ўз соғлиғи тўғрисида қайғуриши ҳақида тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Муҳокама сўнггида туманимиз фаоллари 2001 йилда бу каби хато-камчиликларни такрорламаслик учун бор билим ва имконият ҳамда тажрибаларини ишга солишликни айтиб ўтдилар.

■ **Иштихон тумани ҳокими**
Т. ХУДОЙНАЗАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлашга доир бир қанча аниқ чора-тадбирлар кўрилганлигини, унда тижорат банкларининг роли анча ошганлигини қайд этади.

Миллий валютани конвертация қилиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони жиддий равишда кенгаймоқда, алмаштириш шохобчалари сони кўпайди, хорижий валюта сотиб олиш тартиби соддалаштирилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва накд пулсиз ҳамда накд валютани конвертация қилиш қўламларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси *қ а р о р қ и л а д и:*

1. Ўзбекистон бозорига конвертация қилинадиган валюта тушумини кескин кўпайтириш учун мавжуд имкониятлар ва ресурсларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини шакллантириш ва экспортга ишлаб чиқариш қўламларини кенгайтиришга доир бугунги кунда олиб борилаётган ишлар танқидий қайта кўриб чиқилсин.

Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши (Ў. Султонов) ушбу масалалар бўйича ишларни танқидий баҳоласин ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 2002-2005 йилларга мўлжалланган аниқ таклифлар киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида инфляция даражасини пасайтиришга, макроиқтисодий барқарорлик даражасини оширишга, ички бозорни рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдириш бўйича сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш ва пул агрегатлари устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, накд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг биржадан ташқари валюта бозорини барқарор ривожлантириш учун эркин муомаладаги валютада Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

ваколатли банклар томонидан жалб қилинган мижозларнинг бўш валюта маблағларининг бир қисми;

ваколатли банкларда валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан қоладиган ва талаб этилмаган маблағларнинг бир қисми;

кафолатли етказиб бериш бўйича ва экспортнинг белгиланган прогнозидан ортиқча юқори ликвидли маҳсулотларни хорижий компаниялар ва фирмаларга сотишдан олинган валюта тушуми;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта активларини бошқаришдан олинадиган хорижий валютадаги даромадлар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

НАКД ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган текширишлар жараёнида сотилган товарлар ва хизматлар учун олинган тушумни банклар кассаларига ўз вақтида топширишдан бўйин товлаш, тижорат банклари томонидан хисоб рақамлари очишни кечиктириш, мехнатга ҳақ тўлаш ва бошқа хўжалик эҳтиёжлари учун накд пул беришнинг белгиланган тартибини бузиш, мижозларнинг хисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов талабномаларни ва топширикномаларни ўз вақтида бажармаслик ҳоллари аникланди.

Солиқ органлари, банк муассасалари ва ички ишлар органларининг савдо тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида инкассация қилинишини ташкил этиш ва назорат қилиш, бир қатор истеъмол товарлари, шу жумладан, тамаки ва алкоголли маҳсулотлар билан ноконуний савдо қилинишига чек қўйиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги суст амалга оширилаяпти. Айрим минтақаларда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида накд пул эмиссиясининг даражаси юқорилигича қолаётганлиги мутлако чидаб бўлмайдиган ҳолдир.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар мамлакатдаги пул муомаласи жараёнларига салбий таъсир этмоқда, банк тизимига бўлган ишончга путур етказмоқда, банкдан ташқари муомаланинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш, накд пул тушумининг тўлиқ инкассация қилинишини таъминлаш, тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш борасидаги масъулиятини ошириш, тижорат банкларига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш максадида Вазирлар Маҳкамаси *қ а р о р қ и л а д и:*

1. Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари томонидан савдо ташкилотларининг кунлик тушумлари ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши, накд пул беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилиши устидан зарур назорат амалга оширилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси накд пул тушумини ўз вақтида ва тўлиқ инкассация қилишни ташкил этиш, тижорат банкларининг мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги масъулияти масалаларини қўшма кенгайтирилган мажлисда кўриб чиқсинлар. Йўл қўйилган ҳар бир тартибни бузиш ҳолати батафсил текширилсин ва айбдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача қатъий маъмурий жавобгарликка тортилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари, барча даражалардаги солиқ органларининг раҳбарлари белгиланган накд пул муомаласи қоидалари ва нормаларининг сўзсиз бажарилиши, хўжалик

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Белгиланснинки, жалб этиладиган бўш валюта маблағларини Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтиришда олинадиган маржа суммаси ваколатли банклар даромадларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланади.

5. Кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш мақсадида 2001 йил 1 июлдан бошлаб:

микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинсин;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни, валюта тушумини белгиланган тартибда экспорт қилувчиларнинг ҳисоб рақамига ўтказган ҳолда, банк муассасалари кассалари орқали нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат этилсин.

6. 2001 йил 1 июлдан бошлаб хорижий компаниялар ва фирмаларга юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини кафолатланган ҳажмларда эркин алмаштириладиган валютага сотиб олишга доир эксклюзив ҳуқуқ берилсин.

Белгиланснинки:

товарлар муқобил банк кафолати ёки суғурта полиси асосида ҳақини олдиндан тўлаш шартларида етказиб берилади;

юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турлари экспорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилмасдан олдиндан етказиб бериш шартларида сотилади;

юқори ликвидли маҳсулотларни кўрсатиб ўтилган шартларда сотишдан тушган валюта тушуми биржадан ташқари бозорнинг талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланадиган эркин курсига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин;

экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиш;

асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашё, материаллар ва хизматлар импорти;

янгидан жалб қилинадиган хорижий кредитларга хизмат кўрсатиш;

хорижий инвесторлар фойдаси, дивидендлари ва бошқа даромадларини репатриация қилиш;

хизмат сафари харажатлари.

Ваколатли банклар экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун сўмда қисқа муддатли кредитлар беришни кенг жорий этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, тижорат банклари билан биргаликда 2001 йил 1 июлгача биржадан ташқари валюта бозорида талаб ва таклиф асосида эркин алмаштириладиган валютани сотиш ва харид қилиш бўйича савдолар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Биржадан ташқари валюта бозорининг эркин курси бўйича хорижий валютани сотиб олувчи корхоналар 2001 йил 1 июлдан бошлаб эркин алмаштириладиган валютани харид қилишга беш фоизли йиғим тўлашдан озод қилинсин.

10. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, шу жумладан, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига янада кўпайтириш билан боғлиқ таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари:

валюта алмаштириш операцияларини кўпайтириш учун эркин алмаштириладиган валютадаги ресурсларни жалб қилиш воситаларидан кенгроқ фойдаланиш;

банклараро кредит, шу жумладан, хорижий валютадаги кимошди савдоларини янада ривожлантириш ва улар ҳажмларини кўпайтириш;

туристик комплекслар, савдо марказлари, буюм бозорлари, аэропортлар ва божхона постларида алмаштириш шохобчалари тармоқларини қўшимча равишда кўпайтиришга доир комплекс қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 103-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Белгиланснинки, жисмоний шахслар — норезидентларга туристик хизматлар, шунингдек, йўловчиларни авиация ва темир йўлларда ташиш, валюта тушуми белгиланган тартибда инкассация қилинган ҳолда, махсус кассалар орқали хорижий валютада кўрсатилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молиявий ва иқтисодий тузилмалар билан иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари ва босқичларини ҳамда валюта сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ҳамкорлик кенгайтирилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 июнь

Андижон тумани машина-трактор паркига қарашли «Кейс» комбайни ҳайдовчиси Тўлқинбой Солиев Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ғаллазорига ўрим-йиғим учун келганида ҳосил салмоғини кўриб қувонди. Деҳқонларга офарин айтди. Миришкорларга мададкор бўлиш учун, ҳосилни тезроқ саранжомлаш учун енг шимариб ишга киришди.

Тўлқинбой Солиевнинг ҳамкасблари ҳам зўр шижоат билан ишлаяптилар. Комбайнчиларнинг шижоати туфайли Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари дон тайёрлаш шартнома режасини беш иш кунида бажардилар.

— Буғдой ҳосили баракали бўлди, — дейди ширкат хўжалиги бошқарув ҳайъатининг раиси Омаджон Мукаррамов. — Мавжуд ғаллазорларнинг тенг ярми ҳосилини йиғиштириш билан режани бажардик. Ҳосилдорлик ўртача 75 центнерга тўғри келяпти.

Улуғнор туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиги ғаллазорларида ҳам ўрим-йиғим авжида.

Бугун Андижон ғаллазорларида мўл ҳосил яратилди. Бу — миришкорлар ва кўрганлар кўнглини шодлантириб, баракадан нишона бермоқда.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ**

Суратларда: комбайнчи Тўлқинбой Солиев буғдойзорда.
Пастда эса ғаллазорда ўрим-йиғим.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

НАКД ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

юритувчи субъектлар томонидан касса интизомига қатъий риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини яшириш ҳоллари аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра уларга яширилган нақд пул тушуми миқдорида жарима солинади;

белгиланган савдо қилиш қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган ва нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида топширилмаган ҳолларда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдимномасига кўра чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини бир ойгача муддатга тўхтатиб қўяди, қоидабузарлик такроран содир этилган тақдирда эса рухсатнома бекор қилинади;

юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорида белгиланган халқ истеъмол товарларини улгуржи сотиш қоидалари бузилиши савдо қилиш қоидаларини қўпол равишда бузиш деб баҳоланади, бунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка жавоб берадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини жалб этиш бўйича фаолиятни, шу жумладан, депозит омонатларнинг манфаатли ютуқли турларини ташкил этиш, депозит сертификатлари чиқаришни кенгайтириш йўли билан фаоллаштириш тавсия этилсин.

Жисмоний шахсларнинг банк депозит сертификатлари ва ютуқли омонатлари бўйича оладиган даромадлари тўлов манбаида солиқ тўлашдан озод қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мижозларнинг, айниқса, олис минтақалар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларидаги мижозларнинг, ҳар куни қамраб олинишини таъминловчи инкассация йўналишларини кенгайтириш, инкассация хизматлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича зарур комплекс чора-тадбирлар кўрсин.

Марказий банкнинг инкассация хизмати нақд пул маблағларини инкассация қилиш бўйича хизматларни воситачилик тўловлари ундирмасдан амалга оширсин, кейинчалик мазкур харажатлар тижорат банклари томонидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларга нисбатан:

банкларда ҳисоб рақамларини ўз вақтида очиш;

мижозларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига, маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пулни ўз вақтида бериш;

мижозларнинг ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчиришнинг белгиланган тартибига риоя этишга доир белгиланган талабларни бузганликлари учун зарар кўрган томонга банк устав сармояси энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача бўлган миқдорда жарима тўлаш шаклидаги жазо жарималарини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги билан биргаликда кўрсатилган жазо жарималарни миқдори ва уларни қўллаш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари ва улар филиалларининг юқорида кўрсатиб ўтилган қонунбузарликларга йўл қўйган раҳбарлари ва бош бухгалтерлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар, шу жумладан, банк томонидан тўланган жарима қисман улар томонидан қопланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозларга нисбатан ўз шартномавий мажбуриятлари бузилишига доир қисми бўйича хўжалик судларининг қарорларини кўриб чиқиш ва ижро этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида юзага келадиган низоларнинг ҳал этилишига оид даъво аризаларини қабул қилиш ва судда кўриб чиқиш, давлат божи тўлашни суд муҳокамаси якунлангунга қадар кечиктириш ҳамда кейинчалик божни айбдор томондан ундириб олиш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятининг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириш рухсат этиладиган турлари мезонлари ва рўйхатини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни ўрганиб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатлари ва идоравий норматив ҳужжатларнинг бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 июнь

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала кўрилди. Улуғбек Мусаев Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши котиби Р. Ботиров қатнашди.

✧ ✧ ✧

ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Қашқадарёкиновидео» ҳиссадорлик уюшмаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Қашқадарё газлаштириш корхонасида бўлиб ўтди. Унда вилоят партия кенгашининг котиби Р. Ражабов мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар, олиб борилаётган ислоҳотларда ХДП аъзоларининг иштироки тўғрисида сўз юритди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикасининг тараққиётига оид ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтаётган сайловларда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, «Паландара», «Бештерак», «Барганза», «Қуёқбой», «Бектемир» қишлоқ фуқаролар йиғинлари сайловларида туман партия кенгаши биринчи котиби А. Турсунпўлатов ва «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоятдаги махсус мухбири Ю. Узоқовлар иштирок этиб, сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишининг аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

✧ ✧ ✧

ХДП Урганч туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «меҳнат ярмаркаси»ни ташкил этди. Ушбу тадбир туфайли 70 киши иш билан таъминланди, яна 200 та бўш иш ўрни борлиги аниқланди.

✧ ✧ ✧

ХДП Наманган шаҳар кенгаши Давлатобод туманидаги касб-ҳунар тўқимачилик коллежида ёшлар клубларининг фаолиятига бағишланган мулоқот ташкил этди.

✧ ✧ ✧

Шайхонтоҳур туман партия кенгаши Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институтида «Турли диний экстремистик оқимлардан огоҳ бўлайлик» мавзуида «давра суҳбати»ни ўтказди.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари халқ саломатлиги йўлида хизмат қилаётган шифокорларнинг касб айёмларини мазмунли нишонлашда фаол иштирок этдилар. Жумладан, Янгийўл шаҳар партия кенгаши шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда тиббиёт ходимлари куни муносабати билан А. Навоий номли дам олиш ва истироҳат боғида «Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» шиори остида катта байрам тадбирини ўтказди. Унда партия сафида фаоллик кўрсатаётган врач ва ҳамшираларга шаҳар партия кенгаши Фахрий ёрлиқлари топширилди. Шунингдек, ХДП сафига кирган бир гуруҳ ёшларга партия билетлари тантанали равишда топширилди.

✧ ✧ ✧

ХДП Бухоро вилоят кенгаши Вобкент тумани марказий касалхонасида ушбу сана муносабати билан байрам кечасини ташкил этди.

✧ ✧ ✧

Наманган вилоятидаги «Косонсой» сиҳатгоҳи маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан тиббиёт ходимларининг касб байрамида ҳамширалар кўрик-танлови ўтказилди. Унда 5 нафар ҳамшира касбий, иқтисодий, сиёсий билимлари, шунингдек, истеъдодларини намойиш этишди.

«Йилнинг энг яхши ҳамшираси» унвонига сазовор бўлган Раъно Раҳмоновага Косонсой туман партия кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

✧ ✧ ✧

Шунингдек, тиббиёт ходимларининг касб байрамларига бағишланган тадбирлар Мирзо Улуғбек, Бектемир ва бошқа шаҳар ва туманларда ҳам ўтказилиб, партия кенгашлари бунга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

✧ ✧ ✧

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашида партия фахрийларини табаррук таваллуд кунлари билан муборакбод этиш, уларга иззат-икром кўрсатиш яхши анъанага айланган. Чунончи, яқинда Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришда бевосита қатнашган вилоятдаги «Кўкбозор» акционерлик жамиятининг собиқ раиси, партия аъзоси Қаҳҳор Жабборовга, унинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси топширилди.

✧ ✧ ✧

ХДП Ангрен шаҳар кенгаши республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда Ангрен шаҳрининг 55 йиллигига бағишланган енгил атлетика ва бокс бўйича мусобақаларни ташкил этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР

ИНГЛИЗЧА БОЗОР ҲИКМАТЛАРИ

«Юртнинг аҳволини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига кир», деган ҳикматли гап бор. Ҳақиқатан ҳам бозор, савдо-сотиқ ҳар қандай мамлакат иқтисодининг аҳволи-ю, сиёсатининг йўналиши ҳамда тараққиётда эришган даражасини яққол кўрсатиб беради. Албатта, мамлакатнинг иқтисодиётини таҳлил этиб баҳо бериш иқтисодчи олимларнинг, мутахассисларнинг иши, мен эса оддий бир сайёҳ, меҳмон сифатида кўрган-билганларим, инглиз бозоридаги ўз имкониятимча қилган харидларим пайтидаги таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман, холос.

Барча ривожланган мамлакатлардаги сингари Англияда ҳам дўконлар (булар инглиз тилида «шоп» дейилади), маркет ва супермаркетлар жуда кўп. Улар бизнинг дўконларга ўхшаб бир-бирини такрорламайди, ҳар бири ўзига хос. Йирик-йирик савдо уйларида йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Озиқ-овқат билан савдо қилувчи йирик марказлар кечаю кундуз тўхтамай ишлайди. Гўшт-сут маҳсулотларининг нечанеча хил турлари, мевалар — олмаю узумдан тортиб, Африка ананасларигача муҳайё. Маҳсулотлар чиройли идишларга жойланган, кўримли. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи сотилишига қараб тез-тез пасайтирилиб туриларкан, шу боис улар эскириб, бузилиб қолмайди. Кийим-кечак, саноат моллари савдосида ҳам ўзига хос, ажойиб тартибларнинг гувоҳи бўлдик: йирик бир савдо уйидан жинси матосидан тикилган шим сотиб олмоқчи бўлдик. Ўзимизга ёққанини танлаб пулини тўлаш учун келсак сотувчи худди шу нархга бир эмас — иккита шим беришини айтди, натижада битта шимнинг пулига иккита шим сотиб олдик.

Лондонда Эски Жўва ёки Олой бозорларига ўхшаган катта бозорлар йўқ экан, ҳеч ким ўз молини бозор пештахтасига ёки биздагига ўхшаб ерга ёйиб олиб «кеп қолинг» деб харидор кутиб ўтирмас экан. Маълум бўлишича, инглиз деҳқони ёки чорвадори етиштирган маҳсулотини магазинларга улгуржи етказар, магазин эса сотиб берар экан. Бу — бозорнинг цивилизациялашган усули сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам қулайлигини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Яна бир магазинга кирсак пештахталар умуман йўқ, кираверишга чиройли нашр этилган журнал қўйиб қўйишибди. Унда мазкур магазинда сотиладиган маҳсулотлар рўйхати бўлиб, харидор танлаганини уйига етказиб беришаркан.

Албатта, Лондон магазинларида сотиладиган товарларни арзон деб бўлмайди (айниқса, бизнинг пулимизга чақилганда). Аммо инглиз пули — фунт стерлинг, бу ерда яшовчиларнинг топиш-тутишлари, турмуш даражасига нисбатан анча арзон. Масалан, яхши телевизор 400-500 фунт туради, бу эса бу ерда яшовчиларнинг ўртача маошининг тахминан

ярми дегани.

Хуллас, дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири бўлмиш Англияда бозор — савдо-сотиқ юқори даражада ривожланган. Бу ерда ҳамма нарса инсон учун деган қонун ортиқча шов-шувларсиз, дабдабали шиорларсиз амалга оширилар экан.

Яна бир гап: Лондон магазинларида сотувчилар тепангизда тикилиб туришмас экан, сиз бирон нарса сўрамоқчи бўлсангизгина келиб, хушмуомалалик билан ёрдам беришади. Яна бир муҳим гап: Лондонда тамаки маҳсулотлари савдоси жуда чекланган бўлиб, бирор ерда биздагига ўхшаб «Хон» — шубҳасиз бизники» қабилидаги рекламани кўрмадик, илло бу мамлакатда тамаки рекламаси умуман тақиқланган экан.

Хуллас, инглиз бозори ҳикматларидан ҳар қанча ўрганса арзийди.

ДОВУЛ БИЛАН ДОВЛАШГАНДА

Ҳаммага маълумки, Англия — аслида орол, бир томондан Атлантика океани, бир томондан шимол денгизлари билан ўралган. Жанубий океаннинг иссиқ ҳавоси бу ерда шимолий совуқ оқимлар билан учрашади ва шунинг учун ёғингарчилик кўп бўлади. Сафаримиз кеч кузга тўғри келганидан ҳаво анча бузилган, ярқ этиб қуёш чиқса, бир зумдан кейин осмонни паға-паға булутлар қоплаб олади, ғириллаб шамол эсади, кун-кунора ёмғир. Аммо об-ҳавонинг бундай бўлишидан ҳаво доим тоза, чанг-тўзон, ғубор йўқ, тўйиб-тўйиб нафас оласан киши. Боғу чорбоғлар кўмкўк, дарахтлар ҳали барглари ташламаган, у ер-бу ерда гуллар очилиб ётибди.

Аммо Англиянинг ҳавоси билан ҳазиллашиб бўлмайди. Келганимизга уч-тўрт кун бўлгач, ҳаво айниганидан айниди, шамол кучайди, қора булутлар ҳаммаёқни қоплаб, чинакам довул бошланди. Шамолнинг тезлиги соатига 50-60 мил (100 километрдан ортиқроқ)га етди, дарахтлар шамолдан сингудек бўлиб эгилар, айримлари қулаб тушарди. Кечқурун бошланган довул эрталабгача давом этди, синиб тушган дарахтлар йўлларни тўсиб қўйди, айрим йўналишлардаги темир йўллар ва метро ҳаракатлари ҳам тўхтаб қолди. Мамлакатнинг айрим жойларида сув тошқинлари бошланди. Биз довул пайтида уйдан чиқмай ўтирдик, аммо эртасига кўчага чиққанимизда танасига кўчоқ етмас дарахтларнинг ағанаб ётганлигини, ҳаттоки марказда — Киролича саройи олдидаги йўлларда ҳам чинорлар қулаб тушганлигини кўрдик. Хуллас, бу довул ва сув тошқинлари мамлакат аҳолисига анча ташвиш ва зиён келтирди. Инглиз матбуоти, телевидение ва радиоси довул ва сув тошқинлари воқеаларини муттасил ёритиб борди, ҳукумат жабр кўрганларга зудлик билан ёрдам кўрсатди, солдатлар, махсус хизматдагилар сув босиб кетган кўчалар бўйлаб машиналар ва керак бўлган жойда қайиқларда юриб кишиларга ёрдам кўрсатди. Шу кунлари мен телевидение орқали бу воқеалардан огоҳ бўлиб турарканман, инглизларнинг бундай пайтдаги ўзини йўқотмасликлари, ваҳимага тушмасликларини кўриб қойил қолдим. Уй-жойларини, магазинларини сув босган, не-не қимматбаҳо моллари, машиналари сув остида қолган одамлар телевидение мухбирларига оддийгина бу ҳақда сўзлаб беришарди, бирортаси «оҳ-воҳ» қилмасди. Яъни, инглизлар довул ва сув тошқинини оддий бир табиий офат деб билишиб, унинг оқибатларини тугатиш учун бир жону бир тан бўлиб саъй-ҳаракат қилишарди. Ҳа, Лондонда довул билан бемалол довлашар эканлар.

■ **Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

(Боши газетанинг 36, 46-сонларида. Давоми бор.)

XORIJDA

ЯҚИН ШАРҚ САФАРИ

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл келаси ҳафта Яқин Шарққа сафар қилади. Оқ уй матбуот котиби Ари Флайшернинг айтишича, у Исроил бош вазири Ариэл Шарон ҳамда Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан учрашади. Музокараларда ўзаро зиддиятларга чек қўйиш ва тинчлик музокараларини давом эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

ҲАРБИЙЛАР ЖЎНАТИЛАДИ

Чехия ҳарбийлари НАТО-нинг Македонияда ўтказиладиган халқаро тинчликни сақлаш операциясида иштирок этмоқчи. Чехия ҳукумати мажлисида шундай қарор қабул қилинди. Расмий Прага ҳозирча бўлажак тадбирга 120 нафар ҳарбий жўнатишни кўзлаётир.

ЯПОНИЯДА ТОШҚИН



Японияннинг тоғли ҳудудларида кучли жала туфайли тошқин юзага келди. Натижада мингга яқин турар-жой биноси сув остида қолди. Тошқин туфайли бир киши ҳалок бўлди, 15 киши эса кўчкидан жабр кўриб касалхонага ётқизилган.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Европа Иттифоқи билан Хитой ўртасида икки томонлама битим имзоланди. Хитой савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ши Гуаншэннинг айтишича, мазкур ҳужжат нафақат ЕИ билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади, балки расмий Пекиннинг Жаҳон савдо ташкилотига тезроқ аъзо бўлишига ҳам кенг йўл очади.

ҲУЖУМ

АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётлари Ироқнинг Талафар тумани ҳудудини ўққа тутди. Ироқ мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, ҳаво ҳужумидан 23 фуқаро ҳалок бўлган ва ўндан ортиқ киши жароҳатланган.

ЁШ АВЛОД КЕЛАЖАГИ

Швецияда «Ёш авлод ҳаёти хавф остида» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда болаларни ўтиш даври қийинчиликларидан ҳимоя қилиш, оғир меҳнат ва жанговар ҳаракатларга жалб этилишини тақиқлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди. БМТ маълумотига қараганда, ҳозир дунёнинг 27 мамлакатида 150 миллион нафар бола оғир аҳволда кун кечираяпти.

DUSHANBA 25

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Хонобод».
9.00, 12.30 ТВ метео.
9.05 «Онажон - номинг дилимда». Мусиқий дастур.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Табиат алифбоси».
10.25 «Таня ва икки мушкетер». Бадиий фильм.
11.35 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Шоҳруҳ» клуби.
12.35 «Ғозу турналар». Мультфильм.
12.55 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.15 «Қишлоқ ҳаёти».
13.30 Лирик тароналар.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
14.50, 16.55 ТВ-клип.
15.00 Кундузги сеанс: «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
16.20 ТВ - анонс.
16.25 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
17.05 Экранда - телесериал. «Қалбим чечаги». 12-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Ҳамоҳанг наволар».
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.45 «Толеи ёруғ одамлар».
21.55 «Маънавият» дастури.
22.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 5-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Давр» ҳафта ичида».
15.40 Ёзги таътил экрани. «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
16.10 «Давр»-news.
16.30 «Заковат» интеллектуал ўйини.
17.30 Спорт ҳафтаномаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
18.10 «Мульттомоша».
18.25 «Камолот». Ҳаваскорлар телетанлови.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Ёшлар овози».
19.55 «Ёшлик наволари».
20.10 «Қишлоқдаги тенгдошим».
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ясон ва аргонавтлар». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига** «Озод юрт фарзандлари».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 Хайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «t˚ 36,6». Мусиқий-дам олиш дастури.
20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.30 «Ёшлар овози».
21.30 «Ўзбегим навоси».
22.00 «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига». «Шу азиз Ватан барчамизники». Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фестивали. Навоий.
